



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 15 » aprel

№ 201

Toshkent sh.

### **Экспортга мўлжалланган ва истеъмол мақсадларида ундириладиган дон, дуккакли ҳамда мойли экинлар уруғларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Сўнги йилларда республикада экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва янги ноанъанавий ташқи бозорларга экспорт қилиш бўйича ижобий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, экспорт ҳажмини янада ошириш учун ташқи бозор конъюнктурасини ўрганиш, экспорт қилинадиган маҳсулотларни импорт қилувчи мамлакатлар талаби асосида етиштириш, сифат ва озиқ-овқат-маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича халқаро талабларга жавоб берадиган сертификатлаштириш тизимини жорий этиш зарурати юзага келмоқда.

Дон, дуккакли ҳамда мойли экинларнинг ундирилган ёки ундиришга мўлжалланган уруғлари экспортини ташкил этиш, тадбиркорлик субъектларига қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

**1. Куйидагиларни назарда тутувчи Экспортга мўлжалланган ва истеъмол мақсадларида ундириладиган дон, дуккакли ҳамда мойли экинлар уруғларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

уруғларни етиштириш, тозалаш, зарарсизлантириш, шунингдек, ихтиёрий сертификатлаштиришга оид талаб ва шартлар;

ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказиш учун ариза бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби.

**2. Экспортга мўлжалланган ва истеъмол мақсадларида ундириладиган дон, дуккакли ҳамда мойли экинлар уруғларини сертификатлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан амалга оширилади.**

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва аҳоли ўртасида ушбу қарорнинг мақсадлари, моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “15 ” апрелдаги 201-сон қарорига  
илова

**Экспортга мўлжалланган ва истеъмол мақсадларида ундириладиган  
дон, дуккакли ҳамда мойли экинлар уруғларини сертификатлаштириш  
тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом хорижий давлатларга экспорт қилишга ва истеъмол мақсадларида ундирилган ёки ундиришга мўлжалланган дон, дуккакли ҳамда мойли экинларнинг уруғларини (кейинги ўринларда – уруғлар) ихтиёрий сертификатлаштириш тартибини белгилайди.

2. Уруғларни ихтиёрий сертификатлаштириш тартиби асосида уруғларга импорт қилувчи давлатнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичи меъёрлари белгиланган норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги бўйича “Истеъмол мақсадларида ундирилган ёки ундиришга мўлжалланган уруғларни экспорти учун сертификат” (Certificate for the export of sprouts or seeds intended for the production of sprouts for human consumption) берилади.

Бунда ихтиёрий сертификатлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқилиши (экспорт қилиниши) тақиқланмаган уруғларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ариза берувчи** – истеъмол мақсадларида ундирилган ёки ундиришга мўлжалланган уруғларни экспорт қилишни режалаштирган юридик шахс ва яққа тартибдаги тадбиркор;

**сертификат** – истеъмол мақсадларида ундирилган ёки ундиришга мўлжалланган уруғларни импорт қилувчи давлатнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичи меъёрлари белгиланган норматив-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ва импорт қилувчи давлат томонидан белгилаб қўйилган шакл асосида расмийлаштириладиган ҳужжат;

**Инспекция агентликлари халқаро уюшмаси (TIC council/IFIA)** – инспекция, синов ва сертификатлаштириш бўйича халқаро даражада хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар уюшмаси;

**уруғларнинг товар партияси** – давлат божхона чегараси орқали битта олувчининг манзилига битта транспорт ҳужжати бўйича жўнатилаётган уруғлар ёки унинг бир қисми;

**Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари** – ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари.

4. Уруғларни сертификатлаштириш ишлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан амалга оширилади.

5. Уруғларни сертификатлаштириш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

## **2-боб. Уруғларни етиштириш, тозалаш, зарарсизлантириш ҳамда сертификатлаштиришга оид талаб ва шартлар**

6. Экспортга йўналтирилиши режалаштирилган уруғларни етиштириш учун улар етиштириладиган майдонларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва импорт қилувчи давлатнинг талабига мувофиқ келадиган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва ўғитлардан фойдаланиш, ўсимликларнинг ўсиш эҳтиёжидан ортиқ миқдорда уларни қўлламаслик талаб этилади.

7. Ариза берувчи уруғларни импорт қилувчи давлатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига доир талабларидан ташқари, экспорт шартномаси талабларидан келиб чиққан ҳолда Агентликка сертификатни расмийлаштириш жараёнида фойдаланиш учун қўшимча талабларни тақдим этиши мумкин.

8. Уруғларнинг товар партияси бегона жисмлардан (бегона ўт, тош, кесак ва бошқалар) ҳоли бўлиши, намлик даражаси ва калибри импорт қилувчи давлатнинг талабига мувофиқ келиши шарт.

Уруғларнинг мазкур шартларга ҳамда импорт қилувчи давлатнинг бошқа талабларига мувофиқлиги Инспекция агентликлари халқаро уюшмасига (TIC council/IFIA) аъзо ташкилотларнинг ҳисоботи билан тасдиқланган бўлиши лозим.

9. Уруғлар Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги глобал ташаббуси (Global Food Safety Initiative) ташкилоти томонидан тан олинган сертификатлаштириш тизимларига эга бўлган экспортга тайёрловчи (тозалаш корхоналари) ҳамда экспорт қилувчи корхоналарда тозаланиши ва қадоқланиши керак.

10. Уруғларнинг ҳар бир товар партияси экспортга юкланишидан олдин Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда импорт қилувчи давлатнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, ўсимликлар карантини объектларидан ҳоли бўлиши ва улар аниқланган тақдирда зарарсизлантирилиши шарт.

Уруғларнинг етиштириш ҳудудлари ва шароитлари (майдон, етиштириш ҳажми, қўлланилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқалар), зарарсизлантирилганлиги ҳамда ўсимликлар карантини объектларидан ҳоли эканлиги тўғрисидаги маълумотлар ўсимликлар карантини давлат инспекторининг ички фитосанитария сертификати билан тасдиқланади.

11. Уруғларни импорт қилувчи давлатларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолаш ариза берувчининг Агентликка ариза билан қилган ихтиёрий мурожаати асосида амалга оширилади.

12. Ихтиёрий сертификатлаштириш жараёни экспорт шартномаси асосида тайёрланган ва уруғларни жўнатувчи ҳамда қабул қилувчиси маълум бўлган уруғларнинг товар партиясига нисбатан татбиқ этилади.

13. Уруғларни ихтиёрий сертификатлаштириш учун “Синов ва калибрлаш лабораториялари компетентлигига бўлган умумий талаблар” ISO/IEC 17025-2019 стандарти асосида аккредитациядан ўтган синов лабораторияларининг уруғларни озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги талабларига (хусусан, импорт қилувчи давлатнинг талабига) мувофиқлигини тасдиқловчи хулосаси асос бўлади.

Бунда уруғларда салмонелла (*Salmonella spp*) ва листериоз кўзғатувчиси (*Listeria monocytogenes*) ҳамда ичак таёқчаси (*Escherichia coli*) каби патоген микроорганизмлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, шунингдек, уларнинг таркибида пестицид қолдиқлари миқдори Кодекс алиментариус ва халқаро стандартларда кўрсатилган хавфсизлик кўрсаткичларига, импорт қилувчи давлатнинг талабларига мувофиқлиги бўйича таҳлиллар ўтказилиши керак. Синов лабораторияларида таҳлиллар ўтказиш учун уруғлардан намуналар Инспекция агентликлари халқаро уюшмасига (TIC council/IFIA) аъзо ташкилотлар томонидан белгиланган халқаро тартиб асосида олинади ва далолатнома билан расмийлаштирилади.

14. Уруғларни етиштиришдан бошлаб товар партияси сифатида шакллангунга қадар бўлган барча босқичларни кузатиб бориш тизими ишлаб чиқарувчи томонидан йўлга қўйилади. Бунда:

экспортга мўлжалланган уруғларнинг товар партияларини шакллантиришда экспорт қилувчи корхона кичик ҳажмдаги товар партиялари қайси ишлаб чиқарувчидан (дала) келиб чиққанлигини кузатиб бориши, кичик ҳажмдаги товар партияларини код ёки рақамлар билан қайд этиши;

ушбу код ёки рақамлар остидаги қадоқланган уруғлар экспортга йўналтирилгунга қадар алоҳида-алоҳида сақланиши;

уруғларнинг кичик ҳажмдаги ҳар бир товар партияси бўйича синов лабораторияларининг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги талабларига (хусусан, импорт қилувчи давлатнинг талабига) мувофиқлигини тасдиқловчи хулосаси мавжуд бўлганда, уларни ягона товар партияси сифатида қайта ташкил этиш ёки бирлаштириш;

уруғларнинг дастлабки кичик ҳажмдаги товар партиялари қайта ташкил этилган ёки бирлаштирилганда, улар тегишли қайд ёзувлари билан сақланиши шарт, бунда уруғлар экспорт қилинган давлатда истеъмол тахмин қилинган муддатга қадар, бироқ тегишли қайд ёзувлар 6 ойдан кам бўлмаган муддатда сақланиши лозим.

15. Мазкур Низом талабларидан бошқа талаб ва шартлар импорт қилувчи давлатлар томонидан қабул қилинган регламентларда акс этган бўлса, у ҳолда ушбу талаб ва шартлар асосида чоралар кўрилади.

#### **4-боб. Сертификатлаштириш тартибида иш юритиш учун ариза бериш ва уни кўриб чиқиш**

16. Ариза берувчи электрон рақамли имзосидан (кейинги ўринларда – ЭРИ) фойдаланган ҳолда, ихтиёрий сертификат олиш учун Агентликнинг автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – ААТ) орқали мазкур Низомга 2-иловадаги шакл бўйича ариза юборади.

Аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

халқаро ташкилотларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини бошқариш тизими талаблари ёки халқаро тан олинган стандартлар уруғларни экспортга тайёрловчи ҳамда экспорт қилувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинганлигини тасдиқловчи сертификатлар нусхалари;

синов лабораториялари учун уруғлардан намуна олиш далолатномаси нусхаси;

синов лабораторияларининг уруғларни озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги талабларига (хусусан, импорт қилувчи давлатнинг талабига) мувофиқлигини тасдиқловчи хулосаси нусхаси.

17. Ариза берувчи аризага нотўғри маълумотлар киритилганлигини аниқлаган тақдирда, маълумотларни аризани кўриб чиқиш учун ундириладиган йиғимни тўлашдан олдин ўзгартиришга ҳақли.

18. Аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқиш учун йиғим Агентликнинг ҳисобварағига ўтказилади.

Ариза берувчи аризадан воз кечганда ёки ариза кўриб чиқилгандан сўнг сертификат олишни рад этганда, тўланган йиғим қайтарилмайди.

19. Ариза берувчи томонидан сертификат олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар, Агентлик нотўғрилигини исботлагунга қадар барча ҳолларда тўғри деб ҳисобланади.

20. Сертификатлаштириш тартиби асосида сертификат бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчи томонидан ариза Агентликка келиб тушган кундан қабул қилинади ва ариза қабул кундан бошлаб уч иш куни ичида ариза берувчига сертификат бериш ёки беришни рад

этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги хабарнома ААТ орқали электрон шаклда юборилади.

21. Сертификат мазкур Низомга 3-илова билан тасдиқланган намуна асосида ягона QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда электрон шаклда расмийлаштирилади.

Ариза берувчининг талабига кўра сертификат қоғоз кўринишида берилади.

Сертификат импорт қилувчи давлат томонидан уруғлар импорт қилингунга қадар амал қилади.

22. Қуйидагилар сертификат беришни рад этиш учун асос ҳисобланади:  
ариза берувчининг аризаси;

уруғларни ихтиёрий сертификатлаштириш ва сертификат бериш учун талаб этилган ҳужжатларнинг ариза берувчи томонидан тўлиқ тақдим қилинмаганлиги;

экспорт қилиш режалаштирилган уруғлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиши (экспорт қилиниши) тақиқланган уруғлар таснифига киритилганлиги;

ариза берувчининг аризаси сертификат беришга доир талаб ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

Агентлик ёки соҳа юзасидан учинчи шахс томонидан ўтказиладиган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишлар ёки бошқа илмий ҳамда техник баҳолашларнинг яқунлари бўйича асослантирилган салбий хулоса олинганлиги.

Ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа ҳолларда сертификат беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

23. Сертификат бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома ариза берувчига электрон шаклда рад этиш сабаблари, қонунчилик ҳужжатларининг аниқ нормалари ҳамда ариза берувчи аниқланган камчиликларни бартараф этган ҳолда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади.

Ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат сертификат бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги ва ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

24. Ариза берувчи томонидан сертификат беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар белгиланган муддатда бартараф этилиб, ҳужжатлар такроран кўриб чиқиш учун рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан Агентликка тақдим қилинган кундан эътиборан икки иш кун ичида қайта кўриб чиқилади.

Аризани такроран кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

25. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ариза берувчига илгари берилган хабарномада баён қилинмаган рад этиш сабабларининг Агентлик томонидан келтирилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг келтирилиши бундан мустасно.

26. Сертификат бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин ариза берувчи умумий асосларда янгидан ариза топширади ва Агентлик томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

27. Ариза берувчи ихтиёрий сертификатлаштириш ва сертификат беришни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлганда, шунингдек, Агентликнинг мансабдор (ваколатли) шахсини ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

28. Сертификатнинг амал қилиш муддати уруғларнинг товар партияси импорт қилингунга қадар белгиланганлиги муносабати билан унинг муддатини узайтириш талаб этилмайди.

Экспорт қилувчи томонидан ихтиёрий сертификатланган уруғларнинг товар партияси ўрнига бошқа уруғларни юклаш ёки сертификатланган уруғларнинг товар партиясини ташиш даврида форс-мажор ҳолатлари натижасида уруғларга зарар етказилганлиги импорт қилувчи томонидан кузатилганда, сертификат ҳақиқий ҳисобланмайди. Бунда ихтиёрий сертификатлаштиришни ўтказган Агентлик масъулиятни ўз зиммасига олмайди.

### **5-боб. Расмийлаштирилган сертификатлар реестрини юритиш**

29. Расмийлаштирилган сертификатлар реестри (кейинги ўринларда –реестр) Агентлик томонидан юритилади. Унда қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

сертификатланган уруғларни экспорт қилувчи корхонанинг номи, идентификация рақами, телефон рақами, почта манзили (электрон почта манзили), раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

сертификатланган уруғларнинг номи ва товар партиясидаги ҳажми (номланишлар бўйича қадок сони, қадок вазни, умумий нетто вазни/брутто вазни);

уруғлар этиштирилган давлат ва ҳудуднинг номи;

сертификатланган уруғларнинг экспортга йўналтирилган жой номи;

сертификатланган уруғларни импорт қиладиган давлат номи;

сертификат расмийлаштирилган сана ва сертификат рақами.



30. Реестрдаги маълумотлар очик фойдаланиладиган маълумотлар ҳисобланади. Реестр Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

#### **6-боб. Яқунловчи қондалар**

31. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

32. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Экспортга мўлжалланган ва истеъмол  
мақсадларида ундириладиган дон, дуккакли ҳамда  
мойли экинлар уруғларини сертификатлаштириш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

Экспортга мўлжалланган ва истеъмол мақсадларида  
ундириладиган дон, дуккакли ҳамда мойли экинлар уруғларини  
сертификатлаштириш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Ариза берувчи (юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор)	<p>1. Экспортга мўлжалланган ва истеъмол мақсадларида ундириладиган дон, дуккакли ҳамда мойли экинлар уруғларини сертификатлаштириш учун Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – ААТ) орқали ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан мурожаат қилади.</p> <p>2. Уруғларни ихтиёрий сертификатлаштириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги йиғимни Агентликнинг ҳисобварағига ўтказди.</p>	Ихтиёрий равишда
2-босқич	Агентлик	<p>1. Аризачининг сертификат бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқади.</p> <p>2. Аризани кўриб чиқиш натижалари асосида сертификат бериш ёки сертификат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.</p> <p>3. Қабул қилинган қарорга асосан аризачига сертификат бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги хабарномани ААТ орқали электрон шаклда юборади.</p> <p>4. Аризачига сертификатни электрон шаклда ёки унинг талабига кўра қоғоз шаклида почта орқали юборади.</p>	Аризани қабул қилгандан сўнг 3 иш куни ичида

Экспортга мўлжалланган ва истеъмол  
мақсадларида ундириладиган дон, дуккакли ҳамда  
мойли экинлар уруғларини сертификатлаштириш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

Экспортга мўлжалланган ва истеъмол мақсадларида ундириладиган дон,  
дуккакли ҳамда мойли экинлар уруғларига сертификат олиш тўғрисида  
АРИЗА

Электрон ариза рақами:		
Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР):		
Телефон рақами:		
Электрон почта манзили (мавжуд бўлганда):		
Фаолиятни амалга ошириш манзили ва (ёки) ҳаракатни бажариш жойи:		
Экспорт қилувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг номи:		
Экспорт қилувчи юридик шахс раҳбарининг Ф.И.О.:		
Экспорт қилиниши режалаштирилган маҳсулот номи:		
Маҳсулот ТИФ ТН коди:		
Маҳсулотнинг келиб чиқиш давлати:		
Маҳсулотнинг келиб чиқиш ҳудуди:		
Ички фитосанитария сертификати рақами:		
Импорт қилувчи давлат:		
Маҳсулот юкланадиган жой:		
Маҳсулотни жўнатиш санаси ва вақти		
Транспорт воситалари:	<input type="checkbox"/> Авиа <input type="checkbox"/> Темир йўл <input type="checkbox"/> Сув <input type="checkbox"/> Авто	
Транспортировка шартлари: (тегишлиси танланади)	<input type="checkbox"/> Табiiй (тэнтли) <input type="checkbox"/> Совутилган <input type="checkbox"/> Музлатилган	
Қай мақсадда ёки нима учун сертификатлаштириш сўралмоқда:	<input type="checkbox"/> Истеъмол мақсадларида	
Қадоқ тури:	(масалан янги коп)	
Умумий қадоқлар сони:	Қадоқ вазни (кг):	Умумий нетто вазни/брутто вазни (кг):
Товар партияси рақами:		Маҳсулотни йиғиш санаси:

**Изоҳ.** Аризага қуйидагилар илова қилинади:  
халқаро ташкилотларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини бошқариш тизими талаблари  
ёки халқаро тан олинган стандартлар уруғларни экспортга тайёрловчи ҳамда экспорт қилувчи  
корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинганлигини тасдиқловчи сертификатлар нусхалари;  
синов лабораториялари учун уруғлардан намуна олиш далолатномаси нусхаси;  
синов лабораторияларининг уруғларни озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги талабларига (хусусан,  
импорт қилувчи давлатнинг талабига) мувофиқлигини тасдиқловчи хулосаси нусхаси.

Экспортга мўлжалланган ва истеъмол  
мақсадларида ундириладиган дон, дуккакли ҳамда  
мойли экинлар уруғларини сертификатлаштириш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

УНДИРИЛГАН ЁКИ УНДИРИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН УРУҒЛАРНИНГ  
ЭКСПОРТИ УЧУН СЕРТИФИКАТ НАМУНАСИ

MODEL CERTIFICATE FOR THE EXPORT OF SPROUTS OR SEEDS  
INTENDED FOR THE PRODUCTION OF SPROUTS

Давлат/Country		Рақами ва санаси/ Number and date		
Part I: Details of dispatched consignment/ I қисм: Жўнатилган юк тафсилотлари	<b>I.1. Жўнатувчи/экспорт қилувчи</b> <b>Consignor/exporter</b> Номи/Name Манзили/Address  Давлат/Country      давлат ISO коди/ISO country code		<b>I.2. Сертификат рақами/Certificate Reference No.</b>	<b>I.2a. РНАБТга ҳавола (зарур ҳолларда)/Reference to IMSOC (when necessary)</b>  QR коди/QR code
			<b>I.3. Марказий ваколатли орган/Central competent authority</b>	
			<b>I.4. Худудий ваколатли орган/Local competent authority</b>	
	<b>I.5. Қабул қилувчи/импорт қилувчи</b> <b>Consignee/importer</b> Номи/Name Манзили/Address  Давлат/Country      давлат ISO коди/ISO country code		<b>I.6. Юк учун масъул оператор/Operator responsible for the consignment</b> Номи/Name Манзили/Address  Давлат/Country      давлат ISO коди/ISO country code	
	<b>I.7. Келиб чиқиш</b> давлати/Country of origin	давлат ISO коди/ISO country code	<b>I.8. Келиб чиқиш</b> худуди/Region of origin	ISO коди/ISO code
	<b>I.9. Юкнинг етиб бориш</b> давлати/Country of destination	давлат ISO коди/ISO country code	<b>I.10. Юкнинг етиб бориш худуди/Region of destination</b>	ISO коди/ISO code
	<b>I.11. Юк жўнатиш жойи/Place of dispatch</b>  Номи/Name      рўйхатга олиш/рухсат бериш рақами/ Registration/Approval No.  Манзили/Address  Давлат/Country      давлат ISO коди/ISO country code		<b>I.12. Place of destination/ Юкнинг етиб бориш жойи</b>  Name/Номи      Registration/ Approval No. /рўйхатга олиш/рухсат бериш рақами  Манзили/Address  Давлат/Country      давлат ISO коди/ISO country code	
	<b>I.13. Юкланиш жойи/Place of loading</b>		<b>I.14. Жўнатиш санаси ва вақти/Date and time of departure</b>	
	<b>I.15. Транспорт воситаси/Means of transport</b> <input type="radio"/> Авиа/Aircraft <input type="radio"/> Темир йўл/Railway <input type="radio"/> Сув/Vessel <input type="radio"/> Авто/Road vehicle  Идентификация рақами/Identification No.		<b>I.16. Киришда назоратдан ўтказиш чегара пункти/Point of Entry (Control Point)</b>	<b>I.17. Юкка тегишли ҳужжатлар/Accompanying documents</b>  Махсулот тури/Type      Код/Code  Давлат/Country      давлат ISO коди/ISO country code Ҳужжатлаштириш учун ҳаволалар/Documentation references
	<b>I.18.</b>	Транспортировка шартлари/Transport conditions	<input type="radio"/> Табиий шаклида/Ambient	<input type="radio"/> Совутилган/Chilled <input type="radio"/> Музлатилган/Frozen
<b>I.19.</b>	Контейнер рақами/пломба рақами Container number/Seal number			

<b>I.20.</b> Сертификатлаштириш мақсади/Certified as or for	
o Products for human consumption/Инсон истеъмоли мақсадида .	
<b>I.21.</b>	<b>I.22.</b> Ички бозор учун/For internal market <b>I.23.</b>
<b>I.24.</b> Умумий қадоклар сони/Total number of packages	<b>I.25.</b> Умумий вазни (кг/Total quantity (kg)
<b>I.26.</b> Умумий нетто вазни/брутто вазни (кг)/Total net weight/gross weight (kg)	
<b>I.27.</b> Юк тавсифи/Description of consignment	
ТИФ ТН коди/CN code	Тури/Species
Совутиш камераси/Cold store	Қадок тури/Type of packaging
	Нетто вазни/Net weight
	Қадоклар сони/Number of packages
	Партия рақами/Batch No
o Яқуний истеъмолчи/Final consumer	Йиғиш санаси/Date of collection
Қадоклаш корхонаси/Packing house	
<b>II. Саломатлик тўғрисида маълумотлар/Health information</b>	
<b>II.1. Саломатлик сертификати</b>	<b>II.1. Public health certification</b>
<p>Мен қуйида имзо чеккан ҳолда, Европа Парламенти ва Кенгашининг 178/2002-сон (ЕК) ва Европа Парламенти ва Кенгашининг 852/2004-сон (ЕК) Регламентининг тегишли талабларидан хабардорман ва қуйидагиларни тасдиқлайман:</p> <p>II.1.1. I-қисмида қайд қилинган ундирилган ёки ундиришга мўлжалланган уруғлар Европа Комиссиясининг (ЕК) 852/2004-сон Регламентига, хусусан, бирламчи ишлаб чиқариш учун умумий гигиена талабларига ва I-илованинг А-қисмида белгиланган тегишли чора-тадбирларга мувофиқ ишлаб чиқарилган;</p> <p>II.1.2<sup>(1)</sup> ундирилган уруғлар Европа Иттифоқининг (ЕИ) 210/2013<sup>C</sup>-сон Комиссия Регламентининг 2-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ тасдиқланган корхоналарда ишлаб чиқарилган;</p> <p>II.1.3<sup>(1)</sup> ундирилган уруғлар Европа Иттифоқининг (ЕИ) 208/2013-сон Комиссия Регламентига кўрсатилган кузатув талабларига жавоб берадиган шароитларда ишлаб чиқарилган ва 2073/2005<sup>D</sup>-сон Комиссия Регламентига I-иловада келтирилган мезонларга мос келади.</p> <p><sup>A</sup>Европа Парламенти ва Кенгашининг 2002 йил 28 январдаги озик-овқат тўғрисидаги қонунчиликнинг умумий принциплари ва талабларини белгилловчи, Европа Озик-овқат хавфсизлиги бўйича ваколатли органини ташкил этиш ва озик-овқат масалалари бўйича чора-тадбирларни белгилловчи 178/2008-сон Регламенти (ЕК) (ОЖЛ31, 1.2.2002, 1 бет);</p> <p><sup>B</sup>Европа Парламенти ва Кенгашининг 2004 йил 29 апрелдаги 852/2004-сон озик-овқат гигиенаси тўғрисидаги Регламенти (ОЖЛ 139, 30.4.2004, 1-бет);</p> <p><sup>C</sup>Европа Парламенти ва Кенгашининг (ОЖЛ 68, 12.3.2013, 24-бет) 852/2004-сон Регламентга (ЕК) мувофиқ, уруғларни ундирадиган корхоналарни ташкил этиш тўғрисидаги 2013 йил 11 мартдаги 210/2013-сон Комиссия Регламенти (ЕК);</p> <p><sup>D</sup>Европа Парламенти ва Кенгашининг 2005 йил 15 ноябрдаги Озик-овқат учун микробиологик мезонлар тўғрисидаги (ОЖЛ 338, 22.12.2005, 1-бет) 2073/2005-сон Комиссияси Регламенти (ЕИ).</p>	<p>I, the undersigned, hereby declare that I am aware of the relevant requirements of Regulation (EC) No 178/2002 of the European Parliament and of the Council<sup>A</sup> and Regulation (EC) No 852/2004 of the European Parliament and of the Council<sup>B</sup> and hereby confirm that:</p> <p>II.1.1 the sprouts and seeds intended for the production of sprouts described in Part I have been produced under conditions in conformity with Regulation (EC) No 852/2004 and in particular the general hygiene requirements for primary production and related operations laid down in Part A of Annex I thereto;</p> <p>II.1.2<sup>(1)</sup> the sprouts have been produced in establishments approved in accordance with the requirements laid down in Article 2 of Commission Regulation (EU) No 210/2013<sup>C</sup>;</p> <p>II.1.3<sup>(1)</sup> the sprouts have been produced under conditions that comply with the traceability requirements set out in Commission Implementing Regulation (EU) No 208/2013 and meet the criteria set out in Annex I to Commission Regulation (EU) No 2073/2005<sup>D</sup>.</p> <p><sup>A</sup>Regulation (EC) No 178/2002 of the European Parliament and of the Council of 28 January 2002 laying down the general principles and requirements of food law, establishing a European Food Safety Authority and laying down procedures in matters of food safety (OJL 31, 1.2.2002, page 1);</p> <p><sup>B</sup>Regulation (EC) No 852/2004 of the European Parliament and of the Council of 29 April 2004 on food hygiene (OJL 139, 30.4.2004, p. 1);</p> <p><sup>C</sup>Commission Regulation (EC) No 210/2013 of 11 March 2013 approving establishments producing sprouts, in accordance with Regulation (EC) No 852/2004 of the European Parliament and of the Council (OJL 68, 12.3.2013, p. 24);</p> <p><sup>D</sup>Commission Regulation (EC) No 2073/2005 of 15 November 2005 on microbiological criteria for food (OJL 338, 22.12.2005, p. 1).</p>
<b>I-қисм/Part I:</b> <b>I.27-бандга ҳавола/Vox reference I.27</b>	тегишли ТИФ ТН кодларини кўрсатинг, мисол учун: (0704 90,0706 90, 0708 10, 0708 20, 0708 90, 0713 33,0713 34, 0713 39, 0713 40,0713 50, 0713 60, 0713 90, 0910 99, 1201 10, 1201 90, 1209 10, 1209 21 ор/ёки 1209 91); Insert the appropriate HS code(s), such us (0704 90,0706 90, 0708 10, 0708 20, 0708 90, 0713 33,0713 34, 0713 39, 0713 40,0713 50, 0713 60, 0713 90, 0910 99, 1201 10, 1201 90, 1209 10, 1209 21 ор/ёки 1209 91)
<b>II-қисм/Part II:</b> <b>I.27-бандга ҳавола/Vox reference I.27</b>	Юк тавсифи/Description of consignment: Ишлаб чиқариш корхонаси: ундирилган уруғлар ёки уруғлар ишлаб чиқарилган корхона номини киритинг./Manufacturing plant: Insert the name of the establishment which produced the sprouts or seeds:

Part II: Certification/ II қисм: Сертификатлаштириш

<b>III-қисм/Part III:</b> <i>тегишилдиги бўйича ўчириш (мисол учун: агар уруғлар бўлса)/delete as appropriate (e.g. if seeds)</i>	
Сертификатловчи ходим/Certifying officer	
Исми (бош ҳарфлар билан)/Name (in capital letters)	
Сана/Date	Мансаби/Qualification and title
Мухр/Stamp	Имзо/Signature
QR-код/QR-code	

**Изоҳ.**

**Comments.**

1. Мамлакатнинг ISO коди: Ўзбекистон (UZ), Нидерландия (NL) (*ISO code of country: Uzbekistan (UZ), Netherlands (NL)*);
2. QR-код: истеъмол уруғларига тегишли эмас (ўчирилади) (*QR-code: not relevant to seeds for consumption (to be deleted)*);
3. 1.8 ва 1.10-бандлар истеъмол уруғларига тегишли эмас (ўчирилади) (*Points 1.8 and 1.10 are not relevant to seeds for consumption (to be deleted)*);
4. 1.17-банд: “Тип” ва “Код” сўзларидан кейин жойни бўш қолдириш! (*Point 1.17: Leave space after the words “Type” and “Code”*);
5. Мамлакатни тўлдириш – Ўзбекистон, ISO коди – MM, Тижорат ҳужжати – Инвойс (юк хати), маълумотнома – Инвойс (юк хати) рақами (*Fill in the country – Uzbekistan, ISO code – MM, Commercial document – Invoice (letter of consignment), information – Invoice (letter of consignment) number*);
6. 1.22-банд: Юклар Европа Иттифоқи бозорига экспорт қилиниши мўлжалланганда, ушбу бандни белгиланг! Агар дуккакилар Европада транзит сифатида ўтмаса, ҳар доим ушбу катакчани белгиланг. Бошқа давлатларга жўнатиладиган истеъмол уруғларига талаблар ўзгариши мумкин!!!  
(*Point 1.22: When the goods are intended to be exported into the EU market, mark this Point! Always check this box if legumes are not transited through Europe. Please note. Different rules apply for edible seeds sent to the other importing countries*)
7. 1.27-банд: Йиғиш санаси – Истеъмол уруғларини етиштирувчидан тозалаш корхонасига етказилган санани тўлдириш! Агар бир нечта сана бўлса, йиғимнинг энг биринчи санаси тўлдирилади.  
(*Point 1.27: Date of collection – Fill in the date of delivery of edible seeds from the grower to the processing plant! If there is more than one date, the earliest date of collection is filled*).

